

O'zbekiston
vrachlar
assotsiatsiyasi

Bosh muharrir:

Iskandarov T.I., t.f.d., O'FA
akademigi

Tahrir hay'ati:

Abduraximov Z.A., t.f.d.
Akilov X.A., t.f.d., professor
Akramov V.R., t.f.d., dotsent
Alimov A.V., t.f.d., professor
Asadov D.A., t.f.d., professor
Ahmedova D.I., t.f.d., professor
Abdixakimov A.N., t.f.d.
Babajanov A.S., t.f.d., professor
Iskandarova Sh.T., t.f.d., professor
Kurbonov R.D., t.f.d., professor
Rustamova M.T., t.f.d., professor
Sidiqov Z.U., t.f.n.
Sobirov D.M., t.f.d., professor
Tursunov E.O., t.f.d., professor
Yarkulov A.B., t.f.n.
Shayxova X.E., t.f.d., professor

Nashr uchun mas'ul xodim:
Mavlyan-Xodjaev R.Sh., t.f.d.

Dizayn, kompyuterda teruvchi:
Abdusalomov A.A.
Jurnal O'zbekiston matbuot va
axborot agentligidan 2016 yil 13 dekabrda
ro'yhatdan o'tgan.
Guvohnoma: 0034.
Tahririyat manzili: 100007,
Toshkent shahri, Parkent ko'chasi,
51-uy.
Tel.; 268-08-17
E-mail: info@avuz.uz
Veb - sayt: www.avuz.uz



(115)

В
У
Л
Л
Е
Т
Н
И

TAHRIRIYAT KENGASHI

Gaybullaev A.	(Toshkent)
Gafur-Axunov M.A.	(Toshkent)
Halimova H.M.	(Toshkent)
Hasanov S.S.	(Toshkent)
Juraev A.M.	(Toshkent)
Zakirov N.U.	(Toshkent)
Zohidova M.Z.	(Toshkent)
Ibadov R.A.	(Toshkent)
Ismailov U.S.	(Toshkent)
Mamasoliev N.S.	(Andijon)
Musabaev E.I.	(Toshkent)
Muxtarov D.Z.	(Toshkent)
Normatova Sh.O.	(Toshkent)
Palvanova S.I.	(Urganch)
Po'latov Sh.B.	(Farg'ona)
Sodiqov A.S.	(Toshkent)
Xodjaev N.I.	(Samarqand)
Fozilov A.A.	(Toshkent)

- Мирахмедова Х.Т., Рустамова М.Т., Мухсимова Н.Р.** Псориастик артритли жигар ноалкогол ёгли касаллиги бор беморларда касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари 53
- Алимов Д.Р., Умаров Ж.Х.** Тошкент вилоятида политравма билан касалланган беморларни даволашнинг замонавий усуллари 58
- Мирахмедова Х.Т., Хамраев Х.Х., Дадабаева Н.А.** Остеоартритли беморларда ностероид яллиғланишга қарши теноксикам (алтикам) дори воситасининг самарадорлиги ва ўзлаштирилишини баҳолаш 63
- Хасанов М.М., Кариев С.С., Номанов А.А., Мухтаров Ш.Т.** Klinik amaliyotda siydik yo'llarining ikkilamchi kasalliklari bo'lgan bemorlarda supravезикаl obstruksiyaning asoratli kechishini prognoz qilish modelini qo'llash natijalari 68
- Ибрагимов А.Ю., Максумова М.Г., Курбанова Ф.Р., Алимов У.С., Усманова Д.У.** Ўнг қоринча миокард инфарктининг клиник ҳамда прогностик аҳамияти 73
- Азизова. Р Б., Саттарова С.З.** Гийен-барре синдроми бўлган беморларнинг электрофизиологик кўриниши 76
- Искандарова Г.Т.** Бектемир тозалаш иншооти иш самарадорлигини гигиеник баҳолаш 78
- Искандарова Г.Т., Искандаров А.Б., Хаджаева У.А.** Машинасозлик корхоналарида шовқин кўрсаткичларини гигиеник баҳолаш 82
- Исраилова Г.М., Кодиров Д.А.** Қорақалпоғистон республикасида озиқ-овқат маҳсулотларининг стронций-90 билан ифлосланиш масалари 86
- Кодиров Д. А., Худайберганов А.С., Исраилова Г.М.** Оролбўйи минтақаларининг ноқулай ҳудудларида антиоксидантларнинг аҳамияти ва уларнинг озиқ-овқат таркибидаги миқдори 89
- Тошматова Г., Жалолов Н.** Талабалар орасида уяли алоқа воситасидан фойдаланиши ва унинг саломатликка зарари ҳақида тушунчалар таҳлили 92
- Шадманова Н.А., Юлдашева Х.А., Сайидмирзаева Н.Г., Кўчарова З.А., Исмаилова З.М.** «Ўтқир юқумли ичак касалликлари беморларидан ажратиб олинган Salmonella spp. авлоди вакилларининг клиник аҳамияти антимикроб дори воситаларига турғунлиги профили.» 96
- Мирахмедова Х.Т., Рустамова М.Т., Мухсимова Н.Р.** Клиническое течение псориатического артрита у больных при сочетании с неалкогальной жировой болезнью печени
- Алимов Д.Р., Умаров Ж.Х.** Современные методы лечения больных с политравмами по ташкентской области
- Мирахмедова Х.Т., Хамраев Х.Х., Дадабаева Н.А.** Оценка эффективности и переносимости нестероидного противовоспалительного препарата теноксикам (алтикам) у пациентов с остеоартритом
- Хасанов М.М., Кариев С.С., Номанов А.А., Мухтаров Ш.Т.** Результаты применения модели прогнозирования осложненного течения суправезикальной обструкции у пациентов с вторичными заболеваниями мочеточника в клинической практике
- Ибрагимов А.Ю., Максумова М.Г., Курбанова Ф.Р., Алимов У.С., Усманова Д.У.** Клиническое и прогностическое значение инфаркта миокарда правого желудочка
- Азизова. Р Б., Саттарова С.З.** Электрофизиологическая картина пациентов с синдромом гийена-барре
- Искандарова Г.Т.** Гигиеническая оценка эффективности работы бектемирского очистительного сооружения
- Искандарова Г.Т., Искандаров А.Б., Хаджаева У.А.** Гигиеническая оценка показателей шума на предприятиях машиностроения
- Исраилова Г.М., Кодиров Д.А.** Проблемы загрязнения пищевых продуктов стронцием-90 в республике каракалпакстан
- Кодиров Д. А., Худайберганов А.С., Исраилова Г.М.** Роль антиоксидантов и их содержание в продуктах питания в неблагоприятных зонах приаралья
- Тошматова Г., Жалолов Н.** Использование мобильной связи среди студентов и воздействие средств мобилной связи на организм человека
- Шадманова Н.А., Юлдашева Х.А., Сайидмирзаева Н.Г., Кўчарова З.А., Исмаилова З.М.** Исследование клинической значимости чувствительности штаммов Salmonella spp., Выделенных из больных с инфекциями желудочно-кишечного тракта, к антимикробным препаратам

темир бетонли тўртбурчак шаклдаги, ерга чуқурлаштирилган резервуардир. Стабилизаторда фаол қуйқадаги микроорганизмларнинг яшовчанлиги ҳисобига чўкмани минерализациялаш жараёни рўй беради ва органик моддалар йўқ қилинади. Минерализация вақти 72 соат. Аэрация интенсивлиги 6 м³. 1 та секция стабилизаторга 13000 м³/соат ҳаво берилади, яъни 2 та секцияга 26000 м³/соат ҳаво берилади. Қуйқа майдонлари - асоси темир бетондан бўлган, дренаж лотоклари мавжуд ерга чуқурлаштирилган ҳовузидир. Жами 10 дона, шундан 1 донаси қум майдони. Битта майдоннинг юзаси 2700м². L-75м, В-35м, Н-1,6м. Иккиламчи зичланган қуйқа 96-96,5% намликда қуйқа майдонларига суткасига 1057м³ миқдорда ташланади. 1м² қуйқа майдонида 3,5м³ қуйқа бир неча мартта ташланади ва 1 йил мобайнида қуритилади. Қуйқа майдонидаги 70 %гача қуритилган қуйқани қишлоқ хўжалигида минерал ўғит сифатида фойдаланилади.

Хулоса. Йилдан йилга Бектемир туманини кенгайиб бориши, турли ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этилиши улардан катта миқдорда чиқинди сувларни ҳосил бўлишига олиб келади. Бектемир канализация иншоотига кириб келаётган оқова сувларни миқдори ва таркибини кучли ўзгариб бориши, қурилмаларни зўриқиб ишлашига олиб келади, натижада қурилмаларнинг гигиеник ва техник самарадорлиги пасаяди. Бу эса Чирчиқ каналига етарли даражада тозаланмаган оқова сувларни ташланишига, шу сувдан қуйида турувчи аҳоли томонидан фойдаланилганда эса уларнинг ҳаёт сифати, саломатлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бу ҳолатни олдини олишнинг самарали усули бўлиб, янги тозалаш станциясини ташкил этиш ҳисобланади.

Адабиётлар.

1. Кобелев Н. С., Сварич Н. В. Анализ работы септиков как систем малой канализации //Проектирование и строительство. – 2019. – С. 223-229.
2. Носенко М. О. Анализ причин неэффективной работы очистных сооружений малой канализации в условиях Крайнего Севера //Вестник евразийской науки. – 2020. – Т. 12. – №. 4. – С. 13.
3. Морозов Н. В. Инновационная биотехнология очистки углеводородсодержащих сточных вод предприятий малой канализации //Вестник технологического университета. – 2018. – Т. 21. – №. 2. – С. 180-185.
4. Нестер О. В. и др. Особенности состава биоценоза и состояния активного ила очистных сооружений малой канализации. – 2022.
5. Ахундов Д. В., Машрапов Б. О. Разработка локальных систем очистки бытовых сточных вод малой мощности в Узбекистане //Молодой ученый. – 2021. – №. 2. – С. 32-37.
6. Иванов В. Г., Калачко А. А. Математическое моделирование дождей малой интенсивности для расчета ливневой канализации // Известия Петербургского университета путей сообщения. – 2015. – №. 3 (44). – С. 138-146.
7. Алексеев Е. В., Плукемо М. М. Экологические аспекты жизнедеятельности-основа технического прогресса в очистке сточных вод автономных систем канализации //Безопасность жизнедеятельности. – 2014. – №. 9. – С. 25.

УДК: 613.6.027: 621-05

МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИДА ШОВҚИН КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ Искандарова Г.Т., Искандаров А.Б., Хаджаева У.А.

Тошкент тиббиёт академияси

Машинасозлик корхонасининг асосий цехларидаги меҳнат шароитларини гигиеник баҳолаш шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш жараёнлари бажарилган ишларнинг катта ҳажми, операцияларнинг хилма-хиллиги ва турли хил касбий гуруҳлар ходимларига зарарли омиллар, шу жумладан шовқиннинг таъсири билан ҳам тавсифланади. Ўрганилаётган корхонада шовқиннинг даражаси ЎзРес 0325-16-сонли СанҚваН бўйича РЭД дан 16,3; 2 ва 5,3 дБА даражага ортқ эканлигини кўрсатади, бу эса ишчилар организмнинг функционал ҳолатидаги ўзгаришларга олиб келади.

Калит сўзлар: машинасозлик корхоналари, меҳнат шароити, шовқин, частота.

ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ПОКАЗАТЕЛЕЙ ШУМА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ МАШИНОСТРОЕНИЯ

Гигиеническая оценка условий труда в основных цехах машиностроительного предприятия выявила, что большой объем разнообразных выполняемых рабочих операций различными профессиональными группами работающих характеризуется выредными факторами, в том числе также и воздействием шума. Уровень шума на изучаемом производстве согласно СанПиН РУз №0325-16 показал превышение ПДУ на 16,3; 2 и 5,3 дБА, что может привести к изменениям в функциональном состоянии организма работающих.

Ключевые слова: предприятия машиностроения, условия труда, шум, частота.

HYGIENIC ASSESSMENT OF NOISE INDICATORS IN MECHANICAL ENGINEERING ENTERPRISES

Hygienic assessment of the working conditions in the main workshops of a mechanical engineering enterprise has shown that production processes are also characterized by a large volume of work performed, the variety of operations and the influence of negative factors on employees of various professional groups, including noise. At the enterprise under study, the noise level is 16.3; 2 and 5.3 dBA degrees greater than fixed rank in Sanitary rules and norms of the Republic of Uzbekistan 0325-16, which leads to changes in the functional state of the workers' organism.

Key words: machine-building enterprises, working conditions, noise, frequency.

Долзарблиги. Жамият саломатлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг саломатлиги бўлиб, у меҳнат ресурслари сифатини, меҳнат унумдорлигини, ялпи ички маҳсулот қийматини белгилаб беради. Меҳнатга лаёқатли аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг энг муҳим ҳал этилиши лозим бўлган ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади, чунки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва

миллий хавфсизлиги айнан унга боғлиқдир [1, 3, 7]. Ишлаб чиқариш технологияси мобайнида машинали қолиплаш, кум қуувчилар (пескомет), тебраниш панжаралари ва бошқаларни қўллаш меҳнат гигиенаси олдига шовқинни олдини олишга қаратилган профилактик чора тадбирлар масаласини қўяди. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра металл буюмларни парчинлаш ва чеканкалаш ўрнига электр пайвандлашнинг кенг қўлланилиши шовқинни бартараф қилди, аммо электр пайвандлаш чанг ва газларнинг ажралиб чиқиши билан бирга кечади. Суркаш моддасида марганец, фтор ва бошқа компонентларни ўз ичига олган электродлар билан электр пайвандлашда 7-8% гача марганец оксиди бўлган юқори заҳарли электр пайвандлаш аэрозолининг атроф-муҳитга тарқалишини олдини олиш учун махсус гигиена чоралари талаб қилинади. Машинасозлик саноатига тобора кўпроқ жорий этилаётган флюс қатлами билан ярим автоматлашган ва автоматлашган пайвандлаш ишлари, шунингдек, электр пайвандлаш ва пайвандлаш билан сиртни қоплаш ишларининг бошқа кўплаб турлари ҳам соғломлаштириш чора тадбирларни талаб қилади [2, 4, 5, 6].

Тадқиқот мақсади: машинасозлик саноати соҳасидаги “Тошкент меҳаника заводи” корхонасида меҳнат шароитлари зарарли омиллардан етакчи шовқин омилини ўрганиш ва гигиеник баҳо бериш.

Тадқиқот объекти ва усуллари. Масинасозлик саноати соҳасидаги Тошкент шаҳридаги ОАЖ “Тошкент меҳаника заводи” корхонаси объект сифатида тайинланди. Ишлаб чиқаришдаги шовқин даражасини ўлчаш 12.1.050-86 Давлат Стандарти “Иш жойларида шовқинни ўлчаш усуллари” га асосан ўтказилди ва товуш босимининг даражаси иш жойларида СВАН-943 асбобида ўлчанди. Олинган тадқиқот натижалари ЎзРес 0325-16-сонли СанҚваН “Иш жойларида шовқин даражасини рухсат этилган санитар меъёр” ига асосан баҳоланди. Машинасозлик корхоналари меҳнат шароитлари синфини аниқлаш учун ишлаб чиқариш жараёнида кўп йўналишли таъсирга эга шовқиннинг юқори даражаси бўйича ЎзРес 0141-03-сонли СанҚваН га асосан амалга оширилади (1-жадвал).

1-жадвал

Ишлаб чиқаришда шовқин даражасига боғлиқ ҳолда меҳнат шароитлари синфлари

Зарарли омиллар	Меҳнат шароитлари синфи					
	Рухсат этилган -2- минф	Зарарли – 3 синф				4-синф (ўта хавфли, экстремал)
		3-синф 1-даражали	3-синф 2-даражали	3-синф 3-даражали зарарли (оғир)	3-синф 4-даражали-ўта зарарли, (ўта оғирб хавфли)	
РЭД ошган						
Шовқин: - хар қандай октавада товуш босими даражасининг максимал ошиб кетиши, дБ	РЭД	<10	20	30	40	>40
- товушнинг эквивалент даражаси, Дба	РЭД	5	15	25	35	>35

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Машинасозлик корхоналаридаги бир қатор касб эгаларининг меҳнати ишлаб чиқаришнинг етакчи ноқулай омилларидан шовқиннинг таъсири билан боғлиқ. Машинасозлик корхоналаридаги технологик жараённи ва қўлланилаётган қурилмаларнинг турлари, уларнинг цехларда жойлашувини тўлиқ ўрганиш, шовқин ҳосил қилувчи асосий манбаларини аниқлаш имкониятини беради. Бундай манбаларга металлларни пресслаш, силлиқлаш, тозалаш, механик қисмлани еғиш цехларини мисол қилишимиз мумкин. Юқоридаги қурилма ва дастгоҳларни ишлаши натижасида ҳосил бўладиган шовқиннинг даражаси бир вақтда ишлайдиган машиналарнинг миқдори, уларнинг техник ҳолати ва конструкциясига боғлиқ эканлиги аниқланди. Ўрганилаётган корхоналаридаги иш жойларида гигиеник баҳо берилаётган

физик омил келиб чиқиши бўйича механик турга, частота таркиби бўйича юқори частоталига, спектр таркиби бўйича кенг йўлига ва вақт тавсифига кўра доимий бўлмаган шовқинга оидлиги бир катор текширувлар натижасида аниқланди. Шовқини баҳолашда таъсир қилиш даражаси ва вақтини ҳисобга олганда, ЎзРес 0325-16 сонли Санитар қоида ва норма “Иш жойларида рухсат этилган шовқин даражасининг санитария меъёрлари” қонуний ҳужжатида мувофиқ шовқинни даражаларига гигиеник баҳо берилди.

Илмий изланишлар олиб бораётган “Тошкент меҳаника заводи” да бир қанча ишлаб чиқариш цехлар мавжуд бўлиб, ушбу корхонанинг механик йиғиш цехининг барча қисмларида ишлайдиган машина, дастгоҳлар шовқин манбаи ҳисобланади. Ушбу асбоб-ускуналарни бошқаришда бевосита иштрок этувчи дастурий бошқарувга эга дастгоҳлар ва манипуляторларни созловчи, механик йиғиш ишлари слесари, синовчи ҳайдовчи, металл, қуйма, маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни тозаловчи, бўёқчи каби касб эгаларида шовқиннинг рухсат этилган даражадан ошиб кетиш ҳолатлари қайд этилди (2-жадвал).

Илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, металл, қуйма маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни тозаловчи (96,3±0,56), синовчи ҳайдовчи (86,2±0,48) ҳамда механик йиғиш ишлари чилангари каби касб эгаларида мос равишда шовқиннинг эквивалент даражаси 85,3±0,42 дБА тенг эканлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар юқорида берилган СанҚваН бўйича РЕД дан 16,3; 2 ва 5,3 дБА даражага ортиқ эканлигини кўрсатади. Мазкур корхонадаги транспортировкachi, коррективрошкчи ҳамда кимёвий таҳлиллар лаборанти иш жойларида товушнинг даражаси рухсат этилган даражадан ошмаганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Машинасозлик саноатида асосий иш жойларида шовқин даражаси кўрсаткичлари, дБА (М±м)

№	Иш жойлари	РЭД	Товушнинг даражаси, дБА (М±м)	Таъсир давомийлиги (соат %)	Меҳнат шароити синфи
1.	Дастурий бошқарувга эга дастгоҳлар ва манипуляторларни созловчи (гилётинлар)	80	81,8±1,62	80	3,1
2.	Механик йиғиш ишлари слесори	80	85,3±0,42	80	3,1
3.	Синовчи ҳайдовчи (тракторчи)	80	86,2±0,48	80	3,1
4.	Металл, қуйма, маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни тозаловчи (майда деталлардан тозалаш)	80	96,3±0,56	80	3,2
5.	Бўйоқчи (пуркагич билан)	80	83,0±0,82	80	3,1
6.	Транспортиковчи (машинада юк ташувчи)	80	80,17±1,05	80	3,1
7.	Коррективрошкчи	80	79,2±0,75	80	2
8.	Кимёвий таҳлиллар лаборанти	80	61,7±3,15	80	2
9.	Электр газ пайвандчиси	80	81,3±0,84	80	3,1
10.	Оператор(майда деталлардан тозалаш машинаси)	80	82,3±0,99	80	3,1

Тадқиқотнинг кейинги босқичларида шовқиннинг спектрал таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, шовқиннинг энг юқори даражаси металл, қуйма, маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни тозаловчи касб эгалари фойдаланиладиган дастгоҳлар ёнида юқори частоталарда қайд этилди. Спектрал тавсифига кўра, ҳосил бўлган шовқин 800-1000 Гс частоталарда товуш энергиясининг максимал даражасига етади. 0325-16 сонли ЎзРес СанҚваМ маълумотларига кўра, металл, қуйма, маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни тозаловчилар иш жойларида шовқин частотаси 250-100 Гс диапазонида 1-6 дБ га, механик йиғиш ишлари слесари иш жойида барча частоталарда овоз босими даражасининг юқори кўрсаткичларини 1-3 дБ га, синовчи ҳайдовчи (тракторчи)нинг иш фаолияти давомида - 2-32 дБ га, бўёқчи (пуркагич билан) иш жараёнида эса шовқин частота даражаси 2-12 дБ га ортганлиги қайд этилди (3-жадвал).

3-жадвал

Машинасозлик корхоналарининг асосий иш жойларида ишлаб чиқариш шовқинининг частота бўйича тавсифи, дБ

Иш жойлари	Октава диапазонидаги шртра частоталар, Гц							
	31,5	63	125	250	500	1000	2000	4000
	Шовқиннинг ўртача даражаси, дБ							
Бўйоқчи (пуркагич билан)	95	90	85	82	78	73	70	68
Синовчи ҳайдовчи (тракторчи)	75	90	87	78	80	75	72	71
Механик йиғиш ишлари слесори	72	85	84	80	79	78	73	69
Металл, қуйма, маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни тозаловчи (майда деталлардан тозалаш)	85	93	85	88	80	76	73	71
СанҚваН 0325-16	107	95	87	82	78	75	73	71

Тадқиқот натижалари шуни аниқладики, органилаётган объектда рухсат этилган шовқин даражасидан ошиб кетиши ва унинг кучайиши бошқа зарарли омиллар билан комплекс таъсир ҳосил қилиши билан ифодаланади, бу эса ишчилар организмнинг функционал ҳолатидаги ўзгаришларга олиб келади.

Шундай қилиб, машинасозлик корхонасининг асосий цехларидаги меҳнат шароитларини гигиеник баҳолаш шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш жараёнлари бажарилган ишларнинг катта ҳажми, операцияларнинг хилма-хиллиги ва турли хил касбий гуруҳлар ходимларига салбий омиллар, шу жумладан шовқиннинг таъсири билан тавсифланади. Машинасозлик корхоналаридаги мавжуд цехларнинг меҳнат шароитларини ўрганиш асосий профессионал гуруҳлар ва улар ишлайдиган иш жойларини зарарли ва хавфли даражада баҳолашга имкон берди.

Хулоса: хулоса қилиб айтганда, машинасозлик корхонасидаги ишчиларнинг меҳнат шароитига шовқин таъсир этади. Бу омилларни олдини олиш мақсадида ишчиларни саломатлигини сақлаш, меҳнат шароитини яхшилиш ва меҳнат қобилиятини ошириш учун профилактик соғломлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар.

- Vasilyev A.B. Problemy otsenki sochetannogo vliyaniya shuma i drugix fizicheskix faktorov na zdorovye cheloveka //Izvestiya Samarskogo nauchnogo sentra Rossiyskoy akademii nauk. -2012.-Т.14.-№6- S. 128-165.
- Gumenyuk, V.T. Monitorirovanie faktorov sredy obitaniya s pozitsiy ix vliyaniya na zdorovye naseleniya g. Rostova-na-Donu /V.T. Gumenyuk, S.G. Auximovich, JI.B. Lopuxina i dr. //Materialy Vserossiyskoy nauchno-prakticheskoy konferensii «Aktualnye problemy bezopasnosti i otsenka riska zdorovyu naseleniya pri vozdeystvii faktorov sredy obitaniya (21-23 maya 2014). -Perm, 2014. - S.114-118.
- Ignatova, T.V. Upravlenie professionalnymi riskami na primere promyshlennogo kompleksa /T.V. Ignatova, V.A. Besko, JI.E. Mexanteyeva, O.N. Shabayeva //Sbornik materialov V Vserossiyskogo kongressa «Professiya i zdorovye» - M., 2006. - S. 163-164.
- Kulkybayev G.A., Ismailova A.A. Otsenka psixologicheskogo statusa gornorabochix, podvergayushixsya vozdeystviyu shumovoy nagruzki // gigiyena i sanitariya.-2003. -№2.- S.29-32.
- Potapov, A.I. Problemy sovremennoy gigiyeny /A.I. Potapov, V.N. Rakitskiy //Materialy XI Vserossiyskogo syezda gigiyenistov i sanitarnyx vrachev: pod red. akad. RAMN prof. G.G. Onischenko, akad. RAMN prof.A.I. Potapova. -M., Yaroslavl: Kansler, 2012.-S.40-49.
- Эллиот П., Арнолд Р., Соскинс С., Эатон Н., Жаруп Л., Жонес Ж., Қуинн м., Росато М., Тҳортон И., Толедано М., Тристан Е., Вакефиэлд Ж. Риск оф морталитй, сансер инциденсе, анд строке ин а популатион потенциалли эхпосед то садмиум. // Оссуп. анд Энвирон. Мед.-2010.-Вол. 57, Но2.-П.94-97.
- Голдберг М., Банаеи А., Голдберг С., Ауверт Б., Лусе Д., Гуэгуэн А. Паст оссупатионал эхпосуре то асбестос монг мен их Франсе.// Ссанд. Ж. Ворк, Энвирон. & Хеалтх.-2008. - Вол. 26, Ноль. - П.52-61.